



“13” 02 2020 y. № 01-06/1946

**Оммавий ахборот воситалари  
Телеграм каналлар  
Ташқи реклама объектлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги ўз ваколатлари доирасида реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш жараёнида, чет давлатлар олий ўқув юр்தларига (аксарият ҳолларда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон) ўқишга кириш, таълим олиш юзасидан жойлаштирилаётган рекламалар таҳлил қилинди.

Жумладан, жойлаштирилаётган (тарқатилаётган) ушбу рекламаларда:

**Таълим шакллари**-“Таълим шакли: кундузги ва масофавий”, “Онлайн ўқиш имконияти”;

**Таълим йўналиши**- “Университетда барча йўналишлар мавжуд”, “100 дан ортиқ йўналишлар бор”, “100 дан ортиқ факультетлар мавжуд ва масофавий таълим ҳам йўлга қўйилган”;

**Университет мавқеи**- “Дунёнинг ТОП университетлар рўйхатига киритилган”, “Бир неча ўн йиллик тажрибага эга”;

**Ўқишни кўчириб ўтиш**: “Ўзбекистонга ҳеч қандай муаммоларсиз ўқишни кўчириш (перевод) имконияти мавжуд”, “2-курсдан сўнг муаммоларсиз Ўзбекистон олий ўқув муассасаларига кўчириб ўтказишингиз (перевод) мумкин”;

**Дипломни тан олиш**- “Чет элда олган дипломларингиз билан ностирификация имтиҳонларисиз МДХ давлатларида ишлашингиз мумкин”, “Диплом Ўзбекистонда тан олинади”, “Диплом: Ўзбекистонга ўтади”, “Диплом барча МДХ давлатлари, яъни “Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига ўтади” каби аниқ бўлмаган ва ёлғон иборлардан фойдаланиб келинмоқда.

Шу билан бирга, ушбу рекламаларда ўқиш учун контракт нархлари **АҚШ долларларида** кўрсатилмоқда.

Шу муносабат билан, истеъмолчиларга реклама орқали нотўғри маълумот тарқатилишини олдини олиш мақсадида қуйидагиларни таъкидлаб ўтамыз.

Авваламбор, чет эл давлатларидаги олий таълим муассасаларидан Ўзбекистон Республикаси ОТМга кўчириш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур Низомнинг 5-бандига мувофиқ Талабалар ўқишини кўчириш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қарорлари асосида амалга оширилади.

Бунда талаба ўқишни олиб бораётган хорижий давлатнинг ОТМ акредитацияси мавжуд бўлиши лозим. Яъни, хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга бўлмаган

олий таълим муассасаларида ёки уларнинг филиалларида таҳсил олган ёки таҳсил олаётган фуқароларга ўқишни кўчириш ҳақидаги аризасига рад жавоби берилишига асос бўлади.

Шу билан бирга агар олий таълим муассасаси моддий-техника базасининг имконияти мавжуд бўлмаса ёки олий таълим муассасасида мос (турдош) таълим йўналиши (мутахассислиги) ёки таълим шакли мавжуд бўлмаса ҳам ўқишни кўчиришга рухсат берилмаслиги мумкин.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасида масофавий таълим шакли мавжуд эмаслиги сабабли, хорижий олий таълим муассасаларининг масофавий таълим шаклида ўқиган талабалар ўқишни Ўзбекистон Республикаси ОТМ кўчиришга рухсат этилмайди.

Хорижий олий таълим муассасаларидан ўқишни Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчириш ва кўчириб қайта тиклаш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тизимида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идораларда ташкил қилинган комиссияларда ўқиши кўчирилаётган олий таълим муассасаларининг муайян таълим йўналишидаги ўқишга кириш фанлари бўйича ўқийдиган тилида махсус синов (комиссия томонидан белгиланган тест ёки ёзма иш ёки касбий (ижодий) имтиҳон шаклида) топширади.

Халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингида биринчи 1000 талик рўйхатдан жой олган Россия Федерацияси олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабаларнинг аризаларига мувофиқ уларнинг ўқиши Давлат комиссияси қарори билан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига синовлар (тест, ёзма иш) сиз тўлов-контракт асосида кўчирилади.

Халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингида биринчи 1000 талик рўйхатдан жой олган Россия Федерацияси давлат олий таълим муассасалари рўйхати ҳар йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Хорижий олий таълим муассасаларидан ўқишни кўчириш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.07.2019 йилдаги 620-сон қарори билан тасдиқланган “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби ҳақида”ги низомнинг 7-бандида кўрсатиб ўтилган ҳолларда хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тўғридан-тўғри (синовларсиз) амалга оширилади.

Хорижий давлатларда олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш Давлат инспекциясида хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни ўрганиш бўйича эксперт комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Юқоридагиларни эътиборга олиб қуйидагиларга эътибор бериш тавсия этилади.

“Таълим шакли: кундузги ва масофавий”, “Онлайн ўқиш имконияти”- ушбу масофавий таълим шаклида ўқишни амалга ошираётганлар Ўзбекистон ОТМга кўчирилишига рухсат берилмайди.

“Университетда барча йўналишлар мавжуд”, “100 дан ортиқ йўналишлар бор”, “100 дан ортиқ факультетлар мавжуд ва масофавий таълим ҳам йўлга қўйилган”- Рекламаларда “барча” сўзини ишлатиш ёки “100 дан ортиқ йўналиш ёки факультетлар мавжуд” ибораларидан фойдаланиш таъқиқланади.

“Дунёнинг ТОП университетлар рўйхатига киритилган”, “Бир неча ўн йиллик тажрибага эга”- реклама қилинаётган хорижий ОТМлар қуйидаги ОТМларнинг халқаро рейтингидан жой олмаган тақдирда: “Quacquarelli Symonds” Британия компаниясининг дунё университетлари рейтинги (университетов мира QS британской компании Quacquarelli Symonds), Times Higher Education (THE) дунё университетлари рейтинги (мировой рейтинг университетов Times Higher Education (THE), ARWU Шанхай дунё

ОТМ рейтинги (Шанхайский рейтинг вузов мира ARWU) бу каби рекламани амалга ошириш таъқиқланади.

“Ўзбекистонга ҳеч қандай муаммоларсиз ўқишни кўчириш (перевод) имконияти мавжуд”, “2-курсдан сўнг муаммоларсиз Ўзбекистон олий ўқув муассасаларига кўчириб ўтказишингиз (перевод) мумкин” каби ибораларда ҳақиқатга тўғри келмайдиган сўзлар, яъни “муаммоларсиз”, “ҳеч қандай қийинчиликларсиз” ишлатиш таъқиқланади. Шу билан бирга хорижий ОТМларида масофавий тарзда ўқишни амалга ошираётганлар талабалар, Ўзбекистон Республикаси ОТМларига ўқишни кўчиришларига рухсат этилмайди.

“Чет элда олган дипломларингиз билан ностирификация имтиҳонларисиз МДХ давлатларида ишлашингиз мумкин”, “Диплом Ўзбекистонда тан олинади”, “Диплом барча мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида ўтади” каби иборалар ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки дипломни тан олиш (нострификация) эксперт комиссиянинг қарорига асосан олиб борилади.

Шу билан бирга рекламаларда қуйидигаларни инобатга олиш керак.

- “Барча йўналиш”, “100 дан ортиқ йўналиш”, каби ибораларни ишлатиш нотўғри рекламага олиб келиши мумкин;


- “Дунёнинг ТОП рейтинги” иборалари “Quacquarelli Symonds” британия компаниясининг дунё университетлари рейтинги, Times Higher Education (THE) дунё университетлари рейтинги, ARWU Шанхай дунё ОТМ рейтингига киритилган тақдирда ишлатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

- хорижий ОТМларида масофавий тарзда ўқишни амалга ошираётганлар талабалар, Ўзбекистон Республикаси ОТМларига ўқишни кўчиришларига рухсат этилмаслигини таъкидлаш жойиз;

- хорижий ОТМларидан республикаимиз ОТМларига ўқишни кўчириш муаммоларсиз эмас, балки махсус синов (тест ёки ёзма иш ёки касбий (ижодий) имтиҳон шаклида)ни ижобий топширган тақдирдагина Давлат комиссияси қарори билан амалга оширилади;

- хорижий давлатларда олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар - дипломларни тан олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси қошидаги ҳудудий эксперт комиссиялари томонидан амалга оширилади

Директор



Э.Хаитметов